100598

### ХОРИЖДАН МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

НАМАНГАН. Поп тола ҳиссадорлик жамияти жамоасига Нидерландиядан мактуб келди. Унда рақобатбардош тола юборгани учун корхонага миннатдорлик изҳор этилган. Поплиқлар Англия, Германия, Корея, Швейцария ҳамда Россияга 4195 тонна тола экспорт қилиб, шартнома буюртмасини бажардилар. Шунингдек, Наманган, Учқўрғон ёғ-экстракция корхоналарига 8 минг 700 тонна чигит етказиб бериб, топшириқни адо этишди.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

ВОҚЕАЛАР

### ЯНГИ МАКТАБДА ЎҚИШМОҚДА

НАВОИЙ. Навбаҳор туманидаги Карвон қишлоғи ўқувчилари-ю, ота-оналарнинг қувончи чексиз. Улар қишки таътилдан кейин қўш қаватли ғиштин мактаб биносида ўқишни бошладилар. 640 ўқувчига мўлжалланган бу мактаб қурилишига 56 миллион сўм сарфланди. Мактаб спорт зали, ошхона, тиббиёт шахобчаси ва савдо дўконига эга. Мактабга У. Юсупов номи берилди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЎЗГАРИШЛАР

### "МЕРОС" — МАҲАЛЛАГА КЎМАКДОШ

ТОШКЕНТ. Мирзо Улуғбек туманида хотин-қизлардан ташкил топган "Мерос" фольклор ансамблининг фаолият кўрсатаётганига тўрт йил бўлди. "Ўзбекистон — Ватаним маним" ҳамда "Ёр-ёр" танловларида қатнашиб, совринли ўринларни олган ансамбль Оила йилида "Энг яхши оила", "Энг яхши келин", "Ибрат олса арзийдиган қайнона" каби кўрик-танловларнинг маҳаллаларда уюштирилишида кўмакдошлик қилмоқда.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА.

### БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

*Американинг «Индевор» космик кемаси Флоридадаги «Мисе канаверал» космодромидан осмонга муваффақиятли кўтарилди. Етти кишилик экипаж аъзоларидан иборат бўлган ушбу ҳаво кемаси фазовий сафар давомида Россиянинг «Мир» космик кемаси билан қўшилади ва космик станция экипажининг аъзоси — америкалик Дэвид Вулфни Эндро Томас билан алмаштиради.*

*Ушбу кема экипажи аъзолари орасида Қирғизистонда туғилган ўзбек ўғлони Солижон Шарипов ҳам бор.*

*Фазовий кема ҳаракати 31 январь куни ниҳоясига етказилади.*

* **

*Иш ҳафтасини 39 соатдан 35 соатга камайтириш Францияда ишсизлар сонини янада кўпайтириши мумкин. Франция банкининг тадқиқотларига кўра, иш ҳафтасини 35 соатга келтириш мамлакатда уч йил ичида 400 дан 700 мингга қадар ишчи ўринлари пайдо қилишни тақозо этади. Бироқ мутахассислар ишсизлик сони 12-14 фоизга камаяди, дейишмоқда.*

* * *

*Руминия Президенти Эмиль Константинеску яқин келажакдаги шахсий фаолияти ҳақида баёнот берди. Халқаро агентликларнинг хабарига кўра, у шу йилнинг ўзидаёқ ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида коррупцияга қарши курашни кучайтирмоқчи. Руминия Президентининг фикрича, кейинги йилларда мамлакат полицияси томонидан кўплаб ўғриликлар ва порахўрликлар содир этилиб, бошқа жиноятлар ҳам юз бермоқда. Булар мамлакатни шарманда қилиб, унинг сиёсий ва иқтисодий обрў-эътиборига путур етказмоқда. Константинеску бундан буён шиорлардан ва мақсадсиз комиссиялар тузиш йўлидан бормоқчи эмас. Президентнинг ўзи шахсан жиноий ва фуқаролик ишлари билан танишиб, коррупцияга йўл қўяётган полициячиларга қарши кўргазмали чоралар кўришни мўлжаллаб турибди.*

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 24 январь, шанба • № 10 (22.247).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ АСОСИ

23 январь куни Тошкентда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Маълумки, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Шундан буён орадан олти ойдан ортиқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси қандай тадбирларни амалга оширди, ушбу дастурнинг моҳияти барча жабҳа вакиллари томонидан тўлиқ англаб етилдими? Бу борада қандай камчилик ва хатоларга йўл қўйилди, қандай қийинчиликларга дуч келинди?

Мамлакатимиз раҳбари ана шу саволларни ўртага ташлади. Ислом Каримов бугунги кунда Миллий дастур доирасида муайян амалий ишларни бажариш, аниқ лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш талаб этилаётганини таъкидлади. Бинобарин, мазкур дастур халқимиз томонидан маъқулланди. У келажагимиз, тараққиётимиз учун хизмат қилади.

Биз ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, ушбу ислоҳотларнинг турмуш тарзимизни ижобий томонга ўзгартириши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий ғурур ва ифтихоримизни кучайтириши кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республикамизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан равнақ топишида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади албатта, деди Президент.

Ислом Каримов Миллий дастур истиқболдаги режаларни амалга ошириш, кўзланган мақсадларга эришишдаги асосий мезон эканини алоҳида таъкидлади. Бироқ, дастурни амалга ошириш осон кечмайди. Чунки, у аввало узоқ йилларга мўлжалланган ва бутун республика миқёсида ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари, мактабларни ислоҳ қилиш, уларда таълим берадиган мутахассисларни қайта тайёрлаш, янги ўқув режаси, дастурларни ишлаб чиқиш каби кўплаб муҳим ишларни ўз ичига олади. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари асосий эътиборни энг нозик ва энг қийин ҳисобланган ҳунар-техника ва ўрта махсус таълим тизимига қаратди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида ислоҳотларни амалга ошириш ҳам осон эмас, албатта. Бу ўқув даргоҳларида ҳам ўқитувчиларнинг илмий ва маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак малакали, маънан етук мутахассис, Ватанга содиқ фарзанд қилиб тарбиялашда уларга кўмак бериш ва рағбатлантириш сингари долзарб масалалар ўз ечимини кутмоқда. Миллий дастурни амалга оширишда айнан ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларига урғу берилишининг бош сабаби шундаки, яқиндагина мактабни битирган, ҳаёт аччиқ-чучуги у ёқда турсин, бирор касб-ҳунарни эгалламаган, турмушнинг ҳақиқий қувонч ва ташвишлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган, дунёқараши шаклланиб улгурмаган йигит-қизларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналиб қолаётир. Бундан ташвишга тушмай илож йўқ. Битирувчи ёшларни боқимандаликка ўрганиб қолишдан, дангаса бўлиб, қонида жўшқинлик совишидан асраш керак. Энг ачинарлиси, ана шундай ёшлар орасида жуда кўп ҳақиқий иқтидор эгалари ўз қобилиятини намоён эта олмай, ҳаёт гирдобига сингиб кетиши мумкин.



СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакатимиз раҳбари шуларни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус ва ҳунар-техника таълими тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда қуйидаги уч омилга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини таъкидлади.

**Биринчидан,** ўрта махсус ўқув юрти ва ҳунар-техника билим юртлари асосида академик лицей ва коллежлар ташкил этишда уларнинг моддий базасини замонавий талаб ва андозаларга мос ҳолда таъминлаш. Яъни, ўқув дастурининг қайси тармоқ бўйича йўналтирилганига қараб, уларни зарур техника билан жиҳозлаш.

**Иккинчи масала** - янги ўқув муассасаларида ёшларга билим берадиган ўқитувчиларни замон талаблари асосида янгидан ўқитиш, савиясини оширишдан иборат.

Президентимиз эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблаган **учинчи масала** билим масканларида ўқув дастурларини янгилашдир. Чунки, ҳозир ўрта махсус билим юрти ва ҳунар-техника ўқув юртларида мавжуд дастурлар замон талабига тўла жавоб бермайди. Уларнинг ҳеч бири муайян соҳани ўрганишга, амалиётда қўллашга қаратилмай, назарий билимларгагина асосланган. Ўзбекистон ёшлари эса, модомики ислоҳотларнинг самараси муайян даражада уларнинг қандай инсон бўлиб етишишига боғлиқ экан, миллий маънавият, қадриятлар, ота-боболаримиз меросига ҳурмат уйғотадиган, миллий ғурур ва ифтихоримизни юксалтирадиган, етук мутахассис бўлиб етишишини таъминлайдиган дастурлар асосида таҳсил олиши, тарбия кўриши лозим.

Давлатимиз раҳбари миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиянинг олти ойдан ортиқ вақт давомида бажарган ишлари хусусида тўхталди. Комиссия ўтган давр мобайнида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш режаларини тузган, уларга босқичма-босқич тартибда 9-синф битирувчиларини тобора кўпроқ жалб қилиш, шу тариқа мактабларда 11-синфгача ўқитиш тизимини қисқартиш ва 2005 йилга бориб тамомила тўхтатиш борасида зарур чора-тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиққан. Аммо, комиссия юқорида таъкидланган масалаларни назардан четда қолдирган. Лицей ва коллежларнинг шакли, уларнинг жойлашуви, мавқеи ва уларга тааллуқли барча меъёрларни ўзида жам қилган қарор тайёрланмаган. Шу боис, Президентимиз комиссия аъзоларини қаттиқ танқид қилди. Таълим-тарбия билан боғлиқ кутиб турмайдиган долзарб масалаларнинг ечимини топишда оқсоқликка йўл қўймаслик лозимлигини таъкидлади. Раҳбар ходимлар фақатгина ҳисобот беришга ўрганиб қолганини, аслида улар бунинг учун эмас, давлат равнақи, миллий юксалиш, халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиши керак, деб таъкидлади.

Ислом Каримов янги лицей ва коллежлар ҳақида сўзлар экан, уларнинг деярли барчасини қайта таъмирлаш, энг замонавий техника ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Эски тузум даврида турли биноларни мактаб, ўқув юртлари, бола боғчаларига «мослаштириш» ҳоллари бугунги кунда такрорланмаслиги лозимлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, кўпгина ўқув муассасалари, айниқса қишлоқ жойлардаги мактаб ва билим юртларининг бинолари умуман талабга жавоб бермайди. Уларнинг кўпчилигида таҳсил олиш, бирор ҳунар сирларини мукаммал ўрганиб, ўз касбининг ҳақиқий эгаси бўлиш амри маҳол.

Президент Ислом Каримов 9-синф битирувчилари сонини аниқлаш, шунга биноан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар ташкил этиш режасини тузиш лозим, деди. Академик лицей ва ҳунар-техника коллежининг миқдори, шакли, таркиби, моддий базаси, жиҳозланиши қандай бўлишини тадқиқ этиш, ихтисос йўналишига қараб, турли техника, ишлаб чиқариш цехлари билан таъминлаш, бунинг молиявий таъминотини ўрганиш биринчи галдаги вазифалардандир. Бу масалалар ечимига фақатгина давлат бюджетидан маблағ ажратмай, йирик корхоналарни ҳам жалб қилиш керак. Шунингдек, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш, Давлат тест маркази қошида аттестация комиссияси тузиш, ўқишга қабул қилиш вақтида психологик тестларни қўллашни ташкил этиш ҳам долзарб вазифалардандир, деб таъкидлади йўлбошчимиз.

Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур фақатгина Ўзбекистонга хос бўлиб, хориж тажрибасидан фойдаланилмаган ҳолда ишлаб чиқилганини айтиб, унинг миллий модел эканини таъкидлади. Шунингдек, таълим ислоҳотсиз бўлмаслигини, ҳар қандай янгилик аввало таълим соҳасида акс этишини алоҳида қайд этди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида академик лицей ва ҳунар-техник коллежлари билан шуғулланувчи махсус марказ ташкил қилиш таклиф этилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосари, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси раисининг ўринбосари А.Азизхўжаев ўтган давр мобайнида комиссия амалга оширган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.Холмуродов, Давлат тест маркази директори М.Муҳиддинов, республика «Истеъдод» маркази директори Б.Қодиров, Урганч қурилиш коллежи директори И.Бойжонов, Тошкент Давлат университети лицей-интернат директори К.Абдуллаев, Гулистон Давлат университети Янгиер лицейи директори С.Саматов мажлисда сўзга чиқиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи Г.Саидова ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ВАТАН ХАРИТАСИ

**Шу кунларда жойларда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўтган йилдаги якунлари ва 1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида фаоллар юқоридаги масалаларни муҳокама қилишди.**

* * *

**Қирғизистоннинг Тошкентдаги элчихонасида икки мамлакат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бир йиллиги, шунингдек, давлатларимиз ўртасида ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатилганига беш йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган брифингда Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Содиқов республикаларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ҳамкорлик самарали бўлаётганини таъкидлади. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг муайян йўналишлари, шу кунгача қўлга киритилган ютуқлар ҳамда келгусида амалга оширилиши кўзда тутилаётган ишлар ҳақида батафсил гапирди.**

* * *

**«Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Навоий вилоят ҳокимлигида бўлган йиғилишда иқтисодий ночор хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлаш мсалалари муҳокама этилди.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш котибиятларининг ўтган йилги фаолияти натижалари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 19 февралдаги қарорининг мажмуа тасаррруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилишининг якунлари муҳокама этилди.**

***

**Шифокорлар малакасини ошириш институти илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлисида қишлоқ даволаш пунктларида ишлаш учун шифокорлар тайёрлаш савиясини ошириш масалаларига катта эътибор бериш кераклиги қатъий уқтирилди.**

*ҲДП хабарлари*

## ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Шу йил 22 январь куни Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгашида Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мелкулангар Кумаран Бхадракумар қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг бориши, унда партия аъзолари ҳамда ташкилотларининг иштироки тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмон, Ўзбекистондаги, унинг юртида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўп жиҳатдан ўхшаш ўзгаришларга, Ҳиндистонда катта қизиқиш мавжудлигини таъкидлади. У Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби Ҳиндистон раҳбарияти томонидан юксак баҳоланганлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Суҳбат давомида икки дўст мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг мунтазам ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

**Ўзбекистон ҲДП МК матбуот маркази.**

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ЎзҲДП Бухоро шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Раҳим Ҳайдарзода бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у шаҳар партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Илгари вилоят партия кенгашининг ташкилий, низомий ва кадрлар шўъбаси мудири бўлиб ишлаб келган Робия Козимова шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Шунингдек, шаҳар партия кенгаши котиби Мирфайз Неъматов ўз аризасига биноан вазифасидан озод этилди. «Бухородон» ҳиссадорлик жамияти раисининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб келган Асрор Турсунов шаҳар партия кенгашининг котиби этиб сайланди.

Пленумда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаев қатнашди ва сўзга чиқди.

Пленум кўрилган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ, ХИРМОНДА ҲОЗИР

*Қўнғироқ*

Президентимиз Фармони билан тадбиркорларга, фермер хўжаликларига кенг имкониятлар берилди. Шу сабабли биз оға-иниларда ҳам фермер бўлиш иштиёқи туғилди.

1995 йил ноябрда 12 та хўжалик бирикиб, қаровсиз шўр босган 40 гектар ерни фермер хўжалиги ҳисобига олдик. Сув чиқариш учун кўтарма ариқ ўтқаздик. Бизга ажратилган ер икки картадан иборат эди. 1996 йил режа 41 фоизга уддаланди, холос. 1997 йил 38 гектар ерга пахта, 2 гектар ерга буғдой экдик. Бу гал пахта режасини қийинчилик билан бажардик. Мутахассисларнинг айтишича, режа белгиланишдан олдин ер балини 0,4 коэффициентга кўпайтириш керак. Шунда ердан қанча ҳосил олишни режалаштириш мумкин. Биз ҳисоб-китоб қилганимизда пахта майдонидан 51,4 тонна ҳосил олишимиз мумкин экан. Лекин хўжалик ҳосилоти Мамараим Абдумўминов бизга 76 тонна пахта етиштириш режасини қўйди. Бир амаллаб бажардик. Энди 1998 йил учун шартнома тузишимиз керак. Ернинг тенг ярмига ғалла, тенг ярмига пахта экишни талаб қилишяпти. Еримиз шўр, ундан 15—16 центнердан ортиқ ҳосил олиб бўлмайди. Ҳосилотимиз бизга 26 центнердан буғдой берасан, бўлмаса ердан умидингни узасан, деб туриб олди. Ўзи бўлса, икки йилда бирор марта далага келиб, аҳволимизни билгани йўқ. Бундай ҳолатда фермернинг косаси оқарадими?

**Азим РЎЗИҚУЛОВ,**
**Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигидаги «Искандар» деҳқон-фермер хўжалиги.**

# АЛ-ФАРҒОНИЙ ЁХУД ФАРҒОНА САОДАТИ



*Шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг илк китоби «Аттоир» 1989 йил чоп этилган.*

*Унинг таржимасида Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол» достонлари, Сайидо Насафийнинг «Баҳориёт» («Ким зўр?») асари, Низомийнинг ҳикоятлари «Баққол ва Тулки» нашр этилган.*

*Истиқлол шоир ижодига қанот бағишлади. Унинг таржимасида ислом оламининг машҳур асари «Чор китоб» 1992 йил, 1995 йил «Илтифот», 1996 йил «Замахшарийнома» шеърий мажмуалари, «Амир Темур» шеърий романи, 1997 йил «Ғурурли миллат тимсоли» қасида достони ва «Муҳаммад Пайғамбар», «Ал-Бухорий» достонлари ва ҳадислар талқинидан иборат учлиги — «Маънавият гултожи» китоби Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишлаб нашр этилди.*

*Қуйида шоирнинг Аҳмад ал - Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган «Ал-Фарғоний ёхуд Фарғона саодати» достонидан айрим лавҳалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

### ГАРЧИ ИЛМ ЭРУР БИР ТУБСИЗ ДАРЁ, ЛЕКИН ЧАНҚОҚЛАРНИ ТЎЙДИРМАС АСЛО

Аҳмад Фарғонадан келиб Бағдодга,
Мослашди кўп ўтмай шаҳри ободга.
Кетиб бўлган эди ёзнинг қайноғи,
Эди хазонрезги роҳат куз чоғи.
Кечқурун салқину кундуз мўътадил,
Бундай пайтлар бўлгай маҳзун бир оз дил.
Вақтинча жойлашиб карвонсаройда,
Илм истаб кўрди фурсатдан фойда!
Дажланинг роҳатбахш сувидан салқин,
Эсиб хуррам айлаб шаҳарнинг халқин,
Шаббода дилларга берарди ҳузур,
Кўкдан толиққандай қуёш сочиб нур,
Табиат ўзгариб тургай ҳар маҳал,

1

Vatanni sevmak iymondandur!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

**1998 yil 24 yanvar, shanba № 10 (22.247).**

*Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan*

Дарё соҳилида манзара гўзал.
Кўчада дўконлар тортиб турар саф,
Раста, пештахтага тўла ҳар тараф!
Улар турли-туман молларга тўлиқ,
Садаф чағоналар, дурлари бўлиқ,
Исфаҳон шамшири, Дамашқ ханжари,
Бор эди буюмлар турку озарий.
Карвонлаб келарди бунда мулку мол,
Одамлари эди давлатманд хушҳол.
Азондан то ярим кечага қадар,
Бозорни қизитиб ҳар бир савдогар.
Айларди завқу шавқ ила тижорат,
Солмасди ўғрию-қароқчи ғорат!
Худодан қўрқса гар барча фуқаро,
Ҳарому ҳаришлик бўлмас эл аро,
«Динни илм яна эттай мустаҳкам», —
Шундай деб, лутф этган Сарвари олам!
Бомдод азонидан бошланиб ташвиш,
Хуфтонда тугарди бунда ҳар бир иш.
Аҳмад расталарни кезарди баъзан,
Ҳаёт назарида бир баҳри улкан,
Ундан сузиб чиқиб митти оролга,
Ҳар кун дуч келарди китобдор чолга.
Токчаларда эди беҳисоб китоб,
Аҳмад шу дўконга қиларди шитоб,
Ҳаёт денгизида сузиб бир маром,
Изланишда эди эртаю-оқшом.
Илм толибига дўстлар ҳар маҳал,
Китоблар дўкони кўрингай гўзал.
Уни четлаб ўтар одамлар ҳам бор,
Ё ғофил, ё баднафс, нодон қориндор.

Китоб сотиб олмай тўйғазар қорин,
Амаллаб тебратар ёки рўзғорин.
У маҳал бўлсанг ҳам соҳиби ҳиммат,
Китоб деганлари эди кўп қиммат.
Аҳмад Фарғонийдек илмга чанқоқ,
Китоб сотиб олиш имконсиз мутлоқ.
Шу боис дўконда турганича тик,
Китоб ўқир эди, уни ҳар битик
Ўзига тортарди ўқиган сайин,

*Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига*

Китобдор чалғитмай уни атайин,
Ўқиб олишига берарди имкон,
Муслимга биродар эрур мусулмон.
«Пулинг бўлмаса гар, қани жўнавор»,—
Деб биров бировни қувмасди зинҳор.
Одамлар ҳам эди юмшоғу ҳалим,
Қизғанилмас эди китобу илм.
Ҳозирги замондек камдан-кам одам,
Рўзғордан илмни қўйгай муқаддам.
Тахмонда турли хил китоблар қатор,
Катта-кичик, турфа гўзалу рангдор.
Қўлда кўчирилган хаттотлар моҳир,
Битиклари дилни овловчи соҳир.
Араб ёзувида бўлиб кўп асар,
Суғду арамею уйғур, сарбасар,

Ҳамда манихейлик ёзувлар оз-моз,
Учраб турар эди, ким бўлса мумтоз,
Уларни шарҳ этиб, мағзини чаққай,
Аҳмад турку араб, уйғурчада шай,
Бемалол ўқиб ҳам ёза оларди,
Бошқа битикларни ўрганиш дарди —
Шавқ унга бермасди таскину ором,
Суғдчани ўқиру лекин батамом,
Тушуниб тагига ета олмасди,
Мунтазам дарс қилиб лекин толмасди.
Дўкондор баландбўй ва калта соқол,
Қотмадан келган бир доно, хушиқбол.
Исми шарифлари Муҳаммад Амин,
Яхши ҳис этарди илм оламин!
Хорижий ўлкадан келган йигитга,
Аҳмаддек донишманд ҳам соҳибдидга,
Ташнайи илмга қоларди қойил,
Бу янглиғ ёшгина шаклу шамойил,
Улғайиб бўлгайдир буюк уламо,
Қанча қизиқмасин китобдор аммо,
Сўраб-суриштириб, қилмай таъбин хит,
Унга бермас эди асло халақит!
Аҳмад ҳам омадёр иқболи чопиб,
Бағдодда бир устоз мударрис топиб,
Сабоқ олар эди фалсафа, нужум,
Ҳам илми ҳисобдан тинимсиз ҳар зум.
Эрталаб дарс олиб, кундуз дўконда,
Китоб ўқир эди у ҳаяжонда.
Бир куни китобдор айлади савол:
«Жаноби муҳтарам, айтинг бемалол,
Қайси юрт шамоли учириб сизни,

2

Мушарраф айлади кўрмакка бизни?»
Аҳмад ал-Фарғоний сақлабон адаб,
Деди: «Эй муҳтарам, машҳури араб.
Ажамлик эрурман, мулки Фарғона
Зодгоҳим, у ерда ҳам ота-она,
Таҳсили том учун келдим бу томон,
«Байтул-ҳикма»га гар тополсам имкон,
Кириб ўқир эдим, ҳам олиб таҳсил,
Фақат шу орзу-ла яшар бугун дил».
Китобдор сўнг унга бериб аҳмият,
Бўлишди қадрдон дўсту ҳамжиҳат.
Хаттотлиги келиб китобдорга қўл,
Аҳмадга эътибор берди жуда мўл.
Истаган китобин ўқирди Аҳмад,
Кўчириб берарди кўп чекмай заҳмат,
Уринган ё ўчган саҳифани бот,
Аҳмад табиатан эди зўр хаттот!
Бир куни китобдор унга биссавоб,
Берди кўчиришга катта бир китоб.
Ўчган варақларин қайта кўчириб,
Аҳмад китоб ичра кетарди кириб;
«Ироқ ҳукмдори Ал-Ҳажжож Юсуф,
Дайлам ўлкасига айлаб такаллуф,
Элчилар юбориб даъват-ла хушком,
Деди қабул қилинг ё дини ислом,
Ё жузъя тўлангиз хирожу ўлпон!
Дайламликлар бўлмай соҳиби иймон,
Ҳамда рад этишди тўламасдан бож,
Уларни чорлади сўнг соҳиби тож.
Дайлам харитасин чиздириб атай,

Уларга кўрсатди янчиб ташламай,
Менинг талабимга бўлинглар рози».
Дайламликлар деди: «Яратган қози,
Ушбу хаританинг тасвири шоён,
Фақат битта нарса қолмиш ноаён.
Тоғ ва водийларда ҳимоячи мард,
Йигитлар бордирки бўлса жанг-навард.
Ташланар сизларга қарши шер янглиғ,
Яхшиси бўлмайлик ўзаро жанглиғ!
Одамлар даъват-ла киришгай динга,
Оллоҳ йўл қўймагай зуғум қирғинга!»
Ҳажжож ғайри ислом ақида айтиб,
Келди қўшинлари енгилиб қайтиб».
Ҳақиқат ким тараф бўлса ҳар сафар,
Шубҳасиз жангда у бўлгай музаффар.
Аҳмад қизиқмасди жангу жадалга,
Ҳамда чек қўйганди шеъри ғазалга.
Илмга эди у ташнаю ҳарис,
Унга дарс бергувчи ҳар бир мударрис,
Истеъдодин кўриб қоларди қойил,
Дегайлар: «Комилни танигай комил!»
Унга ўз ўғлидек қараб китобдор,
Берарди лутф ила доим эътибор.
Қизиққан китобин кўрсатар топиб,
Ҳар ишда Аҳмаднинг иқболи чопиб,
Бўлгани учун у хату саводлик,
Ҳамда китобдорга этиб хаттотлик,
Бағдодда яшади ўқиб мунтазам,
Камолотга етиб фарзанди Ажам,

Орадан вақт ўтиб бир йилдан зиёд,
Излади доимо шогирддек устод.
Басра ва Харронга айлаб саёҳат,
Дунё кўриб қилди кўзлари роҳат!
Ушбу шаҳарлардан топиб муаллим,
Олди керагича ўзига таълим.
Мантиқ, илоҳиёт, фалсафаю, тил,
Ҳисобу «ер ўлчаш» ила муттасил,
Шуғулланиб этди илмини чуқур,
Ҳам қила бошлади теран тафаккур.
Ҳам юнон тилини ўрганиб пухта,
Қаерда вергулу қаерда нуқта,
Мазмун моҳияти бўлса ҳар нима,
Тўкис арабчага этди таржима.
Само жисмларин доим кузатиш,
Эди Аҳмад учун чўнг асосий иш!
Фалак илми учун очиб дафтарин,
Ёзарди ўқиган нарсасин, барин!
Кузатган нарсасин эттали ҳисоб,
Истарди яратса токи бир асбоб.
Устурлоб тасвири бўлиб китобда,
Кашф этиб қолмоқчи эди савобга!
Бўлажак китобга ном ҳам топиб ул,
Шу ҳақда қиларди фикру тахайюл!
«Фарғоний китоби устурлоб учун»,
Яраттай бор кучин у сарфлаб бутун,
Аввал хоҳиш керак, кейин жидду жаҳд,
Одам ҳар нарсага агар қилса аҳд.

**Олимжон БЎРИЕВ.**

3


## «РАМИКАБ»
ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси

маълум қиладики, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарда қўлланадиган эҳтиёт қисмлардан 75x100, 85x105, 140x170 манжетларини ишлаб чиқаради ҳамда А-01, Т-4А, Т-28х4, МТЗ-80-82 ва ўрим комбайнларига зарур бўлган қуйидаги подшипникларни таклиф этади: 204, 205, 206, 207, 208, 210, 211, 212, 216, 230, 304, 305, 306, 308, 309, 310, 313, 315, 406, 7204, 7509, 7510, 7519, 7611, 7613, 32315, 50408, 180204, 180205, 180206, 180208, 180303, 180304, 180308, 180504, 986714.

**Ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан.**

**Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700060, Фарғона йўли кўчаси, 5-«а» уй. «РАМИКАБ» САЛОНИ (подшипник дўкони).**

**Телефонлар: 132-12-11, 132-05-78. Тел/факс: 132-05-77.**








## «ФУТБОЛ КУНИ» НИШОНЛАНАДИ



Мамлакатимизда биринчи марта «Футбол куни»ни байрамона нишонлаш мўлжалланмоқда. Бу кун миллий чемпионатимиз байроғи еттинчи марта кўтариладиган ҳаяжонли дамларга тўғри келади. Мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, футболни ривожлантириш, мухлисларни мамнун этиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу йил олий лигада 16 жамоа иштирок этиши кўзда тутилган. Биринчи лигачилар эса 20 жамоа бўлиб мавсумни бошлайдилар. Чемпионатнинг иккинчи давра ўйинлари 15 августдан 4 ноябрга қадар давом этиши кўзда тутилган. Шундай қилиб, ишқибозлар Футбол байрами кунида олий лигачилардан «Навбаҳор» — «Пахтакор», «Косонсой» — МҲСК, «Зарафшон» — «Насаф», «Металлург» — «Дўстлик», «Хоразм» — «Трактор», «Сурхон» — «Нефтчи», «Сўғдиёна» — «Андижон», «Бухоро» — «Темирйўлчи» жамоалари ўртасидаги учрашувларнинг шоҳиди бўладилар.

Биллур соврин—мамлакат кубоги учун баҳслар ҳам қизиқарли бўлиши табиий. Бу сафар бултур биринчи лигада омади юришмаган ва уларга янги қўшилган жамоаларнинг саккизтаси орасидан тўртта кучлиси аниқланади. Кейин биринчи лигачилар олий лиганинг 16 жамоасига рўбару бўладилар. Чорак финалдан бошлаб такрорий ўйинларга йўл берилади. 13 майда бошланадиган баҳс Мустақиллик байрами кунларида ўтказиладиган финал учрашуви билан якунланади. Айтмоқчи, бултур биллур совринни қўлга киритган пахтакорчилар устози янгиланди. Александр Иванков «Афросиёб»га ўтди. Унинг ўрнига бразилиялик Вега де Сильва бош тренер қилиб тайинланди. Унга эса Аҳмад Убайдуллаев билан Тўра Шоймардонов ёрдам беради.

*Спорт*

## ОЛТИНЧИ УРИНИШ

Бугун Москвада МДҲ кубоги учун анъанавий мавсумолди мусобақалари бошланади. 16 жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб саралаш ўйинлари ўтказади. Маълумки, бундай мусобақада «Пахтакор», «Нефтчи» (икки марта), «Нурафшон» ва «Навбаҳор» жамоалари иштирок этишган. МҲСК эса бешинчи жамоадир. Армиячи футболчиларимиз бугун дастлабки учрашувни Киев динамочилари билан ўтказадилар. Эртага Таллиннинг «Флора», 27 январда эса Бокунинг «Нефтчи» жамоаси билан майдонга тушадилар.


**КОРХОНА ҲАМДА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!**

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ЭСКИ ЖЎВА» БОЗОРИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

СИЗЛАРНИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ 1000 СЎМ БЎЛГАН АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Агарда сиз бозор акцияларини сотиб олсангиз, молиявий аҳволингиз янада ошишга кафолат берамиз. Хонимлар ва жаноблар! «Эски Жўва» бозори акцияларини сотиб олишга шошилинг!**

**Тўлов усули — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28.
Телефонлар: 42-46-90, 42-52-46.



*АВТОКОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

**ЎзАСК «Йўловчи» ҲЖ Тошкент филиали Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

— асботкаплар: АТ-1, АТ-3
— автошиналар (320x508)
— гильзопоршень гуруҳи
— тирсакли валлар
— блок ёпқичлари
— улаш дисклари
— карбюраторлар
— руль механизмлари
— компрессорлар
— поршень халқалари
— мотор вкладишлари
— шатунь вкладишлари
— улагичлар тўплами

шунингдек «ГАЗ-24», «ГАЗ-31», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130», «МАЗ», КамАЗ», «КрАЗ» автомобиллари учун 400 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлари.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

**Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 47.**
**Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19.**
**Факс: (3712) 54-76-31.**






**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**
**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс— 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда* — 24-16-48;
*Бухорода* — 23-80-06;
*Гулистонда* — 25-16-22;
*Жиззахда* — 3-31-86;
*Навоийда* — 3-39-20;
*Наманганда* — 6-43-43;
*Нукусда* — 7-58-83;
*Каттақўрғонда* — 5-33-46;
*Тошкентда* — 133-76-04;
*Урганчда* — 6-51-35;
*Фарғонада* — 24-54-61;
*Қаршида* — 3-25-79;
*Қумқўрғонда* — 5-26-24.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0887

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.30.*
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА